

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**331** **Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПҚ-2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2428, 2013 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Х. МИРЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 17 июнь,  
126-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирининг 2015 йил  
17 июндаги 126-мх-сон буйруғига илова

**Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги  
юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ–4702-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПК–2293-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта, курьерлик жўнатмаларида одамлар ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган предметлар ва моддаларни аниқлаш бўйича назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.»

2. 1-илованинг схемасидаги «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ билан келишилган.

*Фавқулодда вазиятлар вазири*

*Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ*

*2015 йил 16 июнь*

*Ички ишлар вазири*

*А. АХМЕДБАЕВ*

*2015 йил 16 июнь*

**331-332-моддалар**

**— 36 —**

**25 (681)-сон**

*Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси*

***Р. ИНОЯТОВ***

*2015 йил 16 июнь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

***А. АЛИМОВ***

*2015 йил 16 июнь*

*Ташқи ишлар вазири*

***А. КАМИЛОВ***

*2015 йил 16 июнь*

*«Ўзбекистон почтаси» АЖ  
бош директори*

***Р. ҚОСИМОВ***

*2015 йил 16 июнь*